Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 67 (7457). ● 4 апрель, 1981 йил ◆ ШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети

ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТЎЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ҳамда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети қайд этдиларки, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори республика меҳнаткашларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада юксалтириб юборди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети социалистик мусобақани янада ривожлантириш, республиканинг иқтисодий ва социал тараққиёт вазифаларини ҳал этишда унинг ролини оширишга биринчи даражали аҳамият бериб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорини дастурламал ва оғишмай бажариш учун қабул этишга қарор қилдилар.

Ўн биринчи беш йиллик ва умуман беш йилликнинг ҳар бир йили бўйича якунлар чиқариладиган республика социалистик мусобақасини ташкил этишга қарор қилинди:

Ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг социалистик мусобақаси ғолиблариға министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари республика комитетларининг фахрий дипломлари ҳамда эсдалик совғалари ёки пул мукофотлари берилади.

Бригадалар, участкалар, звенолар, фермалар, бўлимлар коллективларининг социалистик мусобақаси ғолибларига министрликлар (идоралар) ва касаба союзлари республика комитетларининг фахрий дипломлари ҳамда эсдалик совғалари ёки пул мукофотлари берилади.

Комсомол-ёшлар бригадаларининг социалистик мусобақаси. Ғолибларга дипломлар ва пул мукофотлари билан бирга «Беш йиллик қаҳрамонлари — энг яхши комсомол-ёшлар коллективига» кўчма Қизил байроқлари берилади.

Саноат, ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш, хўжаликлараро агросаноат бирлашмалари ва бошқа бирлашмалар, уларнинг ишлаб чиқариш тармоқлари, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, олий ўқув юртларининг, илмий тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлари ва муассасалари коллективларининг социалистик мусобақаси. Ғолибларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари дипломлар ва пул мукофотлари билан бирга берилади Йил якунларига кўра, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотланган ҳамда муқобил планларни ва оширилган социалистик мажбуриятларни бажаришда энг юксак ва барқарор кўрсаткичларга эришган коллективлар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Ҳурмат тахтасига ёзиладилар.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришган корхона ва ташкилотларнинг коллективлари, социалистик мусобақа ғолиби бўлган ишлаб чиқариш илғорлари Ўзбекистон ССР меҳнат шон-шуҳрати дафтарига ёзиладилар.

Шаҳарлар, шаҳар ва қишлоқ районларининг социалистик мусобақаси ғолибларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари, дипломлар ва пул мукофотлари билан бирга берилади.

Қорақалпоғистон АССР, республика областларининг социалистик мусобақаси ғолибларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари дипломлар билан бирга берилади.

Область, шаҳар партия комитетларига касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари билан биргалашиб ишлаб чиқаришда кўпроқ ўрнак кўрсатган илғорлар ва новаторлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлашга ҳамда республиканинг фахрий унвонларини беришга тақдим этиш учун рухсат берилди.

Республика социалистик мусобақасидаги ғолибларни рағбатлантириш учун ҳар йили Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет элларга 3,5 мингта имтиёзли туристик йўлланмалар ажратиш тўғрисида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг таклифи қабул қилинди.

Социалистик мусобақада юксак натижаларга эришган комсомол-ёшлар коллективлари ва ишчи ёшларга ҳар йили республика Ленин комсомоли мукофотларини бериш, ишлаб чиқариш илғорларини ВЛКСМ Марказий Комитетининг «XI беш йиллликнинг ёш гвардиячиси» нишони билан мукофотлаш ҳамда социалистик мусобақа ғолибларига Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатларнинг революцион, жанговар ва меҳнат шонли ўтмишини ёшларга ўргатиш ишларини ташкиллаштириш ва ёшлар ўртасида ватанпарварлик ва интернационализм ҳислини тарбиялашда ёшлар ташкилотларининг ролини ошириш тўғрисидаги таклифлар ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиумининг Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига киритиш ва бошқа чоралар кўрилсин.

Ўзбекистон ССР Министрликлари, идоралари, касаба союзларининг республика комитетлари бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг ишига баҳо беришда давлат планларининг тиғизлигини, ўсиш суръатлари, ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижаларини, уй-жой объектлари ва маданий-маиший объектлар ва қувватлар комплекс равишда ишга туширилишини, тарбиявий ишлар аҳволини, социалистик мажбуриятлар йил ва беш йиллик бошидан бери ўсиб борувчи натижалар билан бажарилаётганлигини ҳисобга олиб ёндошсинлар.

Мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш системаси такомиллаштирилсин. Ходимларни социалистик мусобақа натижаларини ҳисобга олган ҳолда мукофотлаш учун моддий рағбатлантириш фонди ва иш ҳақи фонди воситаларидан тўлароқ фойдаланилсин. Мусобақа якунларини чиқаришда оперативчилик таъминлансин.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига социалистик мусобақани ташкил этишда ошкоралик, натижаларни таққослаш ҳамда илғор тажрибаларни амалда такрорлаш мумкинлигидан иборат ленинча принципларни муттасил амалга ошириб бориш таклиф қилинди.

Мусобақа ғолибларининг тажрибалари кенг ёйилишига эришиш, уни Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг тармоқ павильонларида кўрсатишни яхшилаш, илғор тажриба мактабларида, иқтисодий ўқиш системаси, коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетларида ўрганилишига эришмоқ керак.

Кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланган коллективлар негизида корхона ва ташкилот раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ходимларининг семинарларини ўтказиш практикаси жорий қилинсин.

Мусобақада қатнашувчиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активликларини юксалтиришда ғоявий-тарбиявий иш, социалистик мусобақани пропаганда қилишнинг роли кучайтирилсин. Қимматли ташаббусларни кенг ёйиш ва жорий этишда, мусобақа ғолибларининг юксак натижаларга эришиш йўллари, методларини ҳар томонлама кўрсатиб беришда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланилсин.

Республика, область ва маҳаллий газеталар, журналлар, радио, телевидение редакцияларига социалистик мусобақа практикасини чуқур ёритиш, илғор коллективлар, ишлаб чиқариш новаторлари, коммунистик меҳнат зарбдорларининг иш тажрибаларини кенг қўламда ёритиш вазифаси топширилди.

Республика ва маҳаллий газеталарда социалистик мусобақанинг бориши ва унинг натижаларини кўрсатишга бағишланган махсус саҳифалар, радио ва телевизион программалар уюштириш давом эттирилсин.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети, Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети ҳозирги босқичда социалистик мусобақанинг мақсадлари, мазмуни ва хусусиятларини, жуда муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда илғорлар тажрибасини чуқур очиб берувчи адабиёт, ҳужжатли ва бадиий фильмлар, кўргазмали агитация воситалари чиқаришни кўзда тутсин.

Ҳар бир иш ўрнидаги резерварни очиш ҳамда муқобил планларни иқтисодий жиҳатдан асослашда, илғор тажрибалар, фан ва ютуқларни эгаллашда мусобақадошларга ёрдам кўрсатиш учун иқтисодий таълим системасидан актив фойдаланилсин.

Министрликлар (идоралар) ва касаба союзларининг республика комитетларига тармоқларда республика социалистик мусобақасининг шартларини партия XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди белгилаб берган иқтисодий ва социал сиёсатининг асосий йўналишларини, халқ хўжалигини ривожлантириш ўн биринчи беш йиллик планида белгиланган конкрет топшириқларни назарда тутиб, қайтадан кўриб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Министрликлари, идоралари, касаба союзларининг республика комитетлари бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг ишига баҳо беришда давлат планларининг тиғизлигини, ўсиш суръатлари, ишлаб чиқариш фаолиятининг пировард натижаларини, уй-жой объектлари ва маданий-маиший объектлар ва қувватлар комплекс равишда ишга туширилишини, тарбиявий ишлар аҳволини, социалистик мажбуриятлар йил ва беш йиллик бошидан бери ўсиб борувчи натижалар билан бажарилаётганлигини ҳисобга олиб ёндошсинлар.

Мусобақа қатнашчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш системаси такомиллаштирилсин. Ходимларни социалистик мусобақа натижаларини ҳисобга олган ҳолда мукофотлаш учун моддий рағбатлантириш фонди ва иш ҳақи фонди воситаларидан тўлароқ фойдаланилсин. Мусобақа якунларини чиқаришда оперативчилик таъминлансин.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига социалистик мусобақани ташкил этишда ошкоралик, натижаларни таққослаш ҳамда илғор тажрибаларни амалда такрорлаш мумкинлигидан иборат ленинча принципларни муттасил амалга ошириб бориш таклиф қилинди.

Мусобақа ғолибларининг тажрибалари кенг ёйилишига эришиш, уни Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг тармоқ павильонларида кўрсатишни яхшилаш, илғор тажрибаларни мактабларида, иқтисодий ўқиш системаси, коммунистик меҳнат мактаблари, халқ университетларида ўрганилишига эришмоқ керак.

Кўчма Қизил байроқлар билан мукофотланган коллективлар негизида корхона ва ташкилот раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ходимларининг семинарларини ўтказиш практикаси жорий қилинсин.

Мусобақада қатнашувчиларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий активликларини юксалтиришда ғоявий-тарбиявий иш, социалистик мусобақани пропаганда қилишнинг роли кучайтирилсин. Қимматли ташаббусларни кенг ёйиш ва жорий этишда, мусобақа ғолибларининг юксак натижаларга эришиш йўллари, методларини ҳар томонлама кўрсатиб беришда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг имкониятларидан тўлароқ фойдаланилсин.

Республика, область ва маҳаллий газеталар, журналлар, радио, телевидение редакцияларига социалистик мусобақа практикасини чуқур ёритиш, илғор коллективлар, ишлаб чиқариш новаторлари, коммунистик меҳнат зарбдорларининг иш тажрибаларини кенг қўламда ёритиш вазифаси топширилди.

Республика ва маҳаллий газеталарда социалистик мусобақанинг бориши ва унинг натижаларини кўрсатишга бағишланган махсус саҳифалар, радио ва телевизион программалар уюштириш давом эттирилсин.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Ўзбекистон ССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети, Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети ҳозирги босқичда социалистик мусобақанинг мақсадлари, мазмуни ва хусусиятларини, жуда муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда илғорлар тажрибасини чуқур очиб берувчи адабиёт, ҳужжатли ва бадиий фильмлар, кўргазмали агитация воситалари чиқаришни кўзда тутсин.

Ҳар бир иш ўрнидаги резерварни очиш ҳамда муқобил планларни иқтисодий жиҳатдан асослашда, илғор тажрибалар, фан ва ютуқларни эгаллашда мусобақадошларга ёрдам кўрсатиш учун иқтисодий таълим системасидан актив фойдаланилсин.

Министрликлар (идоралар) ва касаба союзларининг республика комитетларига тармоқларда республика социалистик мусобақасининг шартларини партия XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди белгилаб берган иқтисодий ва социал сиёсатининг асосий йўналишларини, халқ хўжалигини ривожлантириш ўн биринчи беш йиллик планида белгиланган конкрет топшириқларни назарда тутиб, қайтадан кўриб чиқиш таклиф этилди.

Фарида Аҳмедова республикамиз пойтахтидаги 1-пойафзал фабрикасида ўн олти йилдан бери ишлайди. Ўз касбини пухта эгаллаган бу моҳир пойафзалчи ишлаб чиқариш нормаларини бажариш ва маҳсулот сифатини яхшилашда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Илғор иш усулларини қўлланиш туфайли ҳар сменада топшириқни 200 процентга етказиб адо этяпти. Ушбу суратда ишлаб чиқариш илғори Ф. Аҳмедованинг иш устида кўриб турибсиз.

Э. Муҳамедов фотоси.

ИНСТИТУТ БАЙРОҒИДА ОРДЕН

Академик И. П. Павлов номли Самарқанд медицина институтини битириб чиққан салкам ўн тўрт минг киши совет кишиларининг соғлиғини сақлашдан иборат олижаноб соҳада фидокорона меҳнат қилмоқда, совет врачи деган юксак бурчни шараф билан бажармоқда. Ўзбекистондаги кекса олий ўқув юртларидан бирининг коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларида баён этилган кўрсатмаларни, партия Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг олий мактаб тўғрисидаги қарорларини амалга ошира бориб, ўзининг ярим асрлик юбилейини медицина кадрлари тайёрлаш ва тарбиялаш, таълим жараёнини такомиллаштириш, студентларга таълим бериш сифатини ошириш ишида, актуал илмий проблемаларни ишлаб чиқишда талайгина муваффақиятлар билан кутиб олди. Институт халқ соғлиғини сақлашни, медицина фанини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланди. Олий ўқув юрти коллективининг тантанали йиғилиши ана шу воқеага бағишланди. Тантанали йиғилишни Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов гулдурос қарсаклар остида юксак мукофотни олий ўқув юрти байроғига қадаб қўйди. У институтга медицина кадрлари тайёрлашда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда сўзга чиққан Самарқанд медицина институтининг ректори У. К. Ваҳобова, олтинчи курс студенти Н. Ҳайдарова, институт кафедраси мудири, профессор В. А. Блинов, Самарқанддаги «Труд женщин» бадиий — гилам фабрикасининг чевари КПСС XXVI съезди делегати С. С. Луқмонова, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Назаров партия билан ҳукумат халқ соғлиғини сақлаш системасини ривожлантириш тўғрисида, совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги ва фаровонлиги ҳақида, республикада олий таълимни такомиллаштириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари ҳақида фахрланиб гапирдилар. Улар ишонч билдириб айтдиларки, олий мактабнинг орденли коллективи юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қўшадиган ҳиссасини бундан буён ҳам кўпайтириб, КПСС XXVI съезднинг тарихий режаларини рўёбга чиқариш учун бутун кучларини сарфлайверади.

КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

МАТБУОТ СЎЗИ КУЧИДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

3 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон китобсеварлар жамияти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ана шу кўнгилли ташкилотнинг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини бажариш соҳасидаги вазифаларига бағишланди. Пленумда сўзга чиққан нотиқлар — правление раиси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров ва бошқалар марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда матбуот сўзининг қудратли кучидан фойдаланишда янги форма ва методларни қидириб топиш тўғрисида гапирдилар. Ҳозирги вақтда жамиятнинг барча ташкилотлари мамлакат коммунистлари анжуманларининг қарорларини пропаганда қилиш соҳасида актив иш олиб бораётганликлари пленумда таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУС БИЛАН ИШЛАЙЛИК

(ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ПЛЕНУМИДАН)

ВЦСПСнинг яқинда бўлиб ўтган пленумида КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда касаба союзлари олдида турган вазифалар конкрет белгилаб олинди. Касаба союзлари съезд талаблари асосида ўз фаолиятларини ҳар томонлама таҳлил этиб, олиб борилаётган ташкилий ва тарбиявий ишларни янада кучайтиришлари, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иш шароитини яхшилаш, меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда янада активлик кўрсатишлари, меҳнат коллективларида социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантиришлари лозим.

Касаба союз ташкилотлари кейинги йилларда социалистик мусобақа таъсирчанлигини оширишда бир қатор тадбирларни кўрдилар. Ҳозирги пайтда областимизда 1 миллиондан ортиқ ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи мусобақанинг турли формаларида иштирок этяпти. Коммунистик меҳнат ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда.

Тошкент области, Тошкент шаҳри, Калинин ва Бўка районлари, 20 та ишлаб чиқариш коллективи ўтган йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари бўйича КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланганлиги қалбларимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди. 4 та шаҳар ва район, 55 та саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсоаброф ва республика комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлдилар.

Ўнинчи беш йиллик якунлари бўйича ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг катта группаси ҳукумат орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида касаба союз активлари ҳам оз эмас. Ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришган илғорлар эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлдилар.

Ҳозир областимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин адо этиш учун бошланган мусобақада актив иштирок этмоқдалар. Яқинда область касаба союзлари Совети президиуми саноат корхоналари ва транспорт ташкилотлари ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини қизғин мақуллади. Ташаббускорлар орасида В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пайвандчи — мустаҳкамловчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Г. Павлова, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати пайвандловчиси Р. Абдуқодиров, Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси М. Турсунхўжаева, «Малика» бирлашмаси тўқувчиси М. Кодирова каби донгдорлар бор. Улар шахсий беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажариш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар. Ҳозир ташаббускорлар сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Илғорлар ҳиссаси билан йилимизнинг дастлабки квартал топшириғи муддатидан олдин адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4,8 процент, меҳнат унумдорлиги эса 3,1 процент ошди. Планга кўшимча 31 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари обҳаво қулай келган дамлардан фойдаланиб, чигит экишни тез ва соз ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Кеча бўлиб ўтган область касаба союзлари Совети пленумида мана шу факт ва рақамлар тилга олинди. Пленумда область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов область касаба союзларининг КПСС XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладида ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиқан Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси тайёрловчиси, КПСС XXVI съезди делегати Ф. Аҳмедова, Тошкент электрон техника заводи директори, КПСС XXVI съезди делегати В. Г. Мушкарев, бинокорлик ва саноат қурилиш материаллари ишчилари касаба союзлари область комитети раиси Ш. У. Ёқубов, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз ферма мудири У. Асилов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати қўрғошин бойитиш фабрикаси слесари З. В. Афанасьева ҳамда бошқа ўртоқлар асосий эътиборни партиямиз XXVI съезди қўйган вазифаларга қаратдилар.

Янги беш йилликда областимизда ялпи саноат ишлаб чиқариш ҳажми 28—30 процент ошади. Илғоригидек бу беш йилликда ҳам энергетика, қора ва рангли металлургия, машинасозлик, химия саноати ва бошқа тармоқлар тез суръатлар билан ривожланади. Касаба союз ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари меҳнат ресурслари, асосий фондлар, ёнилғи, ҳом ашё ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўришлари керак.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилиниши лозим. Биринчи кварталда 4 та корхона маҳсулот реализация қилиш планини бажара олмади. Улар 2,5 миллион сўмлик маҳсулотни кам ишлаб чиқардилар. Айрим қурилиш ташкилотлари ва қурилиш индустрияси корхоналари ҳам биринчи квартал топшириқларини бажара олмадилар. Бундай қолоқлик халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам сезилмоқда.

Мебель, пойафзал, тикувчилик ва трикотаж буюмлари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи айрим корхоналар иш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажара олмадилар. Эндиликда касаба союз ташкилотлари «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати» шиори остида бошланган мусобақани барча жойларда кенг қулоч ёйдиришлари, ялпи маҳсулотда давлат Сифат белгиси олган маҳсулотлар салмоғини кўпайтиришлари, унумли ва сифатли ишлаган ишчиларни ҳар томонлама рағбатлантиришлари керак.

Пахта, ғалла, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш юзасидан ҳам мусобақани кенг қулоч ёйдириш керак. Бу соҳаларда туғилаётган ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кенг ёйиш лозим. Бу йил областимизда 33 центнердан кам пахта ҳосили оладиган хўжаликлар бўлмаслиги керак. Ғалла етиштиришни ҳам кескин кўпайтириш лозим. Ўн биринчи беш йиллик охирига бориб картошка етиштириш 1980 йилга нисбатан 2,6 баравар кўпайиши керак. Гектариданн 55—60 центнердан пахта, 60 центнердан шоли, камида 100 центнердан макка дони, 150—200 центнердан картошка ҳосили олиш учун бошланган мусобақани ҳар томонлама кенг қулоч ёйдириш зарур.

Пленум қатнашчилари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида жамоат чорвачилигини ривожлантиришдаги вазифаларни ҳам атрофлича муҳокама қилдилар. Бу соҳада колхозчилар, совхоз ишчиларининг шахсий хўжаликлари, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари катта резерва ролини ўйнаши мумкин. Область касаба союз комитетлари ёрдамчи хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатишлари зарур. Қишлоқ касаба союз ташкилотлари эса шахсий хўжаликларда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш устида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишлари лозим.

Пленумда уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилишидаги нуқсонлар ҳам тилга олинди. Объектларни ўз вақтида сифатли фойдаланишга топиришда касаба союзлари назоратини кучайтириш зарурлиги уқтирилди. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, коллектив шартномалар ролини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида касаба союзлари бажариши лозим бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди ва КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда касаба союзларининг иштирокини таъминлаш бўйича область касаба союзлари Совети тадбирлари тасдиқланди.

Пленум қатнашчилари область касаба союзлари Совети IV пленумидан кейинги даврда область касаба союзлари Совети президиуми бажарган ишлар тўғрисидаги ахборотни ҳам тингладилар.

Пленум ишида Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири О. З. Зуфаров, ВЦСПС инструктори Р. М. Турунов иштирок этдилар.

ЭРТАГА—БУТУНИТТИФОҚ ГЕОЛОГЛАР КУНИ



ЗАМИН БОЙЛИГИ—ЭЛГА

ЕР ости бойликларини излаб, уларни топиб халқ хўжалигига хизмат қилдириш, шу билан эл-юрт турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиш биз геологлар олдида турган шарафли вазифадир. Тошкент геология ишлаб яқариш бирлашмасининг коллективи мамлакатимиздаги барча геологоразведкачилар каби КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланиб, ўн биринчи беш йилликни зарблар меҳнат билан бошладилар.

1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планлари барча фойдали қазилмалар бўйича ошириб бажарилди. Ўнинчи беш йилликда жами 47 фойдали қазилма маконлари топилиб, саноат ўзлаштиришига топширилди. Ўнинчи беш йиллик мобайнида социалистик мусобақада актив иштирок этган коллективимиз ўн бир марта СССР Геология министрлиги ва тармоқ касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан ва тўққиз марта Ўзбекистон ССР Геология министрлиги ва республика тармоқ касаба союзлари комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. Бу йиллар давомида айрим экспедицияларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланди.

1980 йилда хомашё, материал ва ёнилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича Бутуниттифоқ жамоат кўригида юқори кўрсаткичларга эришган бирлашма коллективи ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Госснабининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бирлашмамизнинг барча ташкилотлари геологоразведкачилари ўзларининг касб байрамлари — геологлар кунини кўтаринки кайфият, катта муваффақиятлар билан кутиб олишмоқда. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига олинган қўшимча социалистик мажбуриятлар шараф билан ado этилди. Республикамиз коммунистларининг улкан анжумани очиладиган кунгача мис запасларини ўстириш бўйича 1981 йилнинг биринчи квартали планини бажардик. Тежаб колинган воситалар ва материаллар ҳисобига 6514 метр скважина кавланди ва 179 метр ерости ишлари бажарилди.

Бу муваффақиятларда барча экспедициялар, партиялар, участкалар, отрядлар коллективларининг муносиб ҳиссаси бор. Бирлашмамизда 6 мингдан ортиқ турли касб эгалари фидокорона меҳнат қилишяпти. Шарқий Қурама экспедициясининг пешқадам коллективи халқ хўжалиги учун қиймматбаҳо бўлган металлар запасини ўстириш бўйича планни ошириб бажарди ва кейинги йилларда фойдали қазилма бойликларини кўпайтиришнинг истиқболли участкаларини аниқлади. Бизда илмий асосланган маълумотларга таянган, конларни қидириш ва разведка қилишнинг рационал методикасини жорий этиш ва кон-проходка ишлаб чиқариш мастерларининг катта маҳорати муҳим роль ўйнаяпти. Экспедициянинг юксак меҳнат муваффақиятларида Н. Ерохин, П. Голошуков, Н. Рафиқов, Д. Мустафин, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог С. Сушенцева, кон-проходкачилар Р. Шайхутдинов, М. Кочкин, В. Ортиқов, Х. Идиатулин, Д. Москалик кабиларнинг ҳиссаси салмоқли.

Олмалиқ экспедициясининг геологоразведкачилари ҳам самарали ишлашяпти. Кўп профилли ишлаб чиқаришнинг барча звеноларидаги мутахассислар — геологлар, иқтисодчилар, бургуловчилар, транспорт ходимлари, ёрдамчи хўжалик ишчилари ва бошқаларнинг ўзаро ҳамжиҳат ишлаши туфайли ўтган беш йилликда В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг хомашё базаси бирмунча кенгайди. Жумладан, Дальний мис жинси маконининг биринчи навбатини разведка қилиш тугади, унинг запаслари СССР Министрлар Совети ҳузуридаги запаслар бўйича давлат комиссияси томонидан аъло баҳо билан тасдиқланди. Олмалиқ районида янги истиқболли фойдали қазилма жойи топилди. Олмалиқ комбинатининг хом ашё базасини кенгайтиришга геологлар А. Рахунбенков, Р. Хасанов, А. Огарков, Б. Дё, И. Дабижа, бургуловчилар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Болтабоев, С. Зокиров, А. Сайфулин, А. Олейников, Ю. Трофимов катта ҳисса қўшдилар.

Чоғқол экспедицияси геологлари фаолиятининг муҳим натижаси — ўн биринчи беш йилликда ўрганиш объекти бўлган янги фойдали қазилма жойларини топганликларидир. Бунда Л. Глейзер, В. Пономарев ва бошқа геологлар самарали меҳнат қилишди. Шунингдек, «Химгеолнеруд» экспедициясининг геологоразведкачилари ҳам тилга олса арзигулик муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Бу экспедицияга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог С. Ғафуржонов бошчилик қилади. Ўтган бешйилликда коллектив 35 қурилиш материаллари фойдали қазилма жойларини топиб, саноат ўзлаштиришига топширдилар. Бунда А. Толипов, У. Туранов, Э. Йўлдошев, В. Поляков каби геологлар мусобақанинг олдинги сафида боришмоқда.

Геолого-съёмка қидириш экспедицияси геологлари Ўзбекистоннинг истиқболли районларини геологик съёмка қилиш бўйича планни ошириб бажардилар, рангли ва камёб металлар, минерал тузлар, пардоз тошлари маъданлари мавжуд маконларни топишди. Биринчи кашфиётчилар орасида геология-минералогия фанлари кандидатлари Р. Юсупов, Н. Вольфсон, геологлар Д. Расулев, Н. Чванов, В. Тўхтабоевлар бошлиқ коллективларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Геологоразведка ишлаб чиқаришида тадқиқотнинг янги геолого-геофизика ва геохимия усулларини такомиллаштириш, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш ижобий самара беради. Тог-проходка ишларида янги техникани жорий этиш туфайли беш йилликда жами 424 минг сўмлик иқтисодий фойда олишга эришдик. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Болтабоев, Г. Яблоков, С. Зокиров, А. Мишучков ва бошқалар янги техника ва илғор технологияни жорий этишнинг ташаббускорларидирлар.

Касб байрами арафасида бирлашмамизнинг бир-неча илғор ишчи ва хизматчилари ўнинчи беш йилликда эришган муваффақиятлари учун юксак ҳукумат мукофотларини олдилар. Улар орасида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог А. Шомансуров, республиканинг пешқадам геологлари А. Толипов, Д. Расулевлар бор. Биз уларни ва бирлашмамиз коллективининг барча аъзоларини байрам билан, юксак мукофотлар билан қутлаймиз.

Т. ШОЕҚУБОВ,
«Ташкентгеология» бирлашмаси бош директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг геология ва геофизика институтида турли хил фойдали қазилмалар конларини қидириб топиш соҳасида илмий ишлар амалга оширилмоқда. Суратларда: лаборант З. Турсунова, геология-минералогия фанлари кандидати И. Искандаров ва илмий ходим М. Шоисломова маъдан состави қақида суҳбатлашмоқдалар (чапда), электрон микроскопияси кабинетининг катта инженери Т. Ясколко турли минералларнинг микроструктурасини аниқламоқда (ўнгда).

И. Глауберзон фотолари.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарганлиги учун **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Медведев Аркадий Яковлевич — Олмалиқ геология-разведка экспедициясининг бурғулаш машинисти.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Ортиқов Тоғай — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг проходкачиси.

Загоскин Владимир Александрович — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси партиясининг бош геологи.

Исақўзиев Аҳмад—Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг бурғуловчиси.

Колмогоров Николай Михайлович — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг бош инженери.

Топорков Николай Леонтьевич — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг бурғуловчиси.

Шомансуров Анвар — «Ташкентгеология» бирлашмаси геология-геофизика экспедициясининг бошлиғи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Гейнц Владимир Александрович — гидрогеология ва инженерлик геологияси институти директорининг ўринбосари.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Григорьев Анатолий Дмитриевич — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг бурғулаш мастери.

Исматов Ғайрат Халилович — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг бурғулаш мастери.

Константинова Александра Тихоновна — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси лой қоришмаси тайёрлаш ишчиси.

Кочкин Михаил Иванович — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг проходкачиси.

Лапидус Валентин Яковлевич — «Ўзбекгеофизика» бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдувалиев Турғун — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг бурғуловчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Бозорбоев Бегимқул — «Средазкварцсамоцвети» экспедициясининг автомобиль ҳайдовчиси.

Глазнддинов Раҳим — «Ташкентгеология» бирлашмаси геология-геофизика экспедицияси бурғуловчиси.

Крупский Николай Васильевич — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг бурғулаш мастери.

Назаров Нормўмин — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Нартикоев Георгий Лексоевич — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг проходкачилар бригадири.

Трофимов Юрий Константинович — Олмалиқ геология-разведка экспедициясининг бурғуловчиси.

Шайхудинов Рашид Бурганович — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг проходкачиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Валиуллина Татьяна Николаевна — Олмалиқ геология-разведка экспедициясининг техник геологи.

Воронцов Виктор Валентинович — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг геологи.

Жуманиёзова Раъно — «Ташкентгеология» бирлашмаси геология-геофизика экспедициясининг ишчиси.

Калиничев Василий Васильевич — «Ўзбекгеофизика» бирлашмасининг слесари.

Кандибин Владимир Иванович — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг участка бошлиғи.

Қосимов Рўзимурод — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг бурғуловчиси.

Мажидов Ҳайрулла — «Краснохолмскгеология» бирлашмасининг ғишт терувчиси.

Машченко Алексей Макарович — «Ташкентгеология» бирлашмаси геология-геофизика қидирув экспедициясининг мотористи.

Писаренко Вера Анисимовна — «Краснохолмскгеология бирлашмасининг тош майдаловчиси.

Расулов Жўра — «Ташкентгеология» бирлашмаси геология-геофизика экспедицияси партиясининг катта геологи.

Тимофеев Петр Еремеевич — Тошкентёни гидрогеология экспедициясининг бурғулаш мастери.

Эргашев Анорбой — Қизилнури геология-разведка экспедицияси бурғуловчисининг ёрдамчиси.

Янишевский Николай Станиславович — «Ўзбекгеофизика» бирлашмасининг катта геофизиги.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Авагимов Давид Аганесович — «Средазкварцсамоцвети» экспедицияси партияси бошлиғи.

Беккер Софья Никитична — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси кўтарма машинаси машинисти.

Гоголев Анатолий Иванович — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг бурғуловчиси.

Иванов Борис Александрович — «Ташкентгеология» бирлашмаси геология-геофизика экспедициясининг ишчиси.

Эрматов Абдурашид — Шарқий Қурама геология-разведка экспедицияси токари.

Карпов Артем Григорьевич — Шарқий Қурама геология-разведка экспедицияси геологи.

Корсаков Юрий Федорович — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси геологи.

Кутимская Наталья Григорьевна — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг катта техник геологи.

Мешчерякова Тамара Петровна — «Ташкентгеология» бирлашмаси геология иқтисодий тадқиқотлар бўйича методик экспедиция геологи.

Накипбоев Жиненбой — «Краснохолмскгеология» бирлашмаси бурғуловчиси.

Пириназаров Маҳаматқул — Қизилнури геология-разведка экспедициясининг бурғулаш мастери.

Поморцев Владимир Васильевич — Шарқий Қурама геология-разведка экспедициясининг катта техник геологи.

Раҳимова Шаҳодат Абдаловна — «Ўзбекгидрогеология» бирлашмаси тажриба-методика партиясининг катта лаборанти.

Юнусов Анвар Пўлатович — Тошкентёни гидрогеология экспедициясининг газ-электр пайвандчиси.

Еқубов Қобил — «Ўзбекгеофизика» бирлашмаси партиясининг геофизиги.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Плотников Николай Никонорович — Тошкентдаги «Геология-разведка» заводининг токари.

Шоёқубов Тўлқин — «Ташкентгеология» бирлашмасининг бош геологи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Акбаров Хабибулла Асатович — Ўрта Осиё геология ва минерал хомашёси илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими.

Толипов Азим Собирович — «Химгеолнеруд» экспедицияси партиясининг бошлиғи.

Убайхўжаев Туйғун Икромович — Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг бўлим бошлиғи.

Фроштейзер Владимир Владимирович — Тошкентдаги «Геологияразведка» заводи директори.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Қорабоев Тўлқин Қўчқорович — геология ва нефть ҳамда газ конлари разведкаси институтининг катта илмий ходими.

Раҳимов Акбархўжа Комилович — Ўзбекистон ССР геология министрининг ўринбосари.

Шпадэ Людмила Андреевна — Ўзбекистон ССР Геология министрлиги бошқармасининг катта инженери.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Богданов Николай Петрович — Тошкентдаги «Геология-разведка» заводининг участка бошлиғи.

Зайцева Майя Федоровна — «Ташкентгеология» бирлашмасининг катта инженери.

Погосов Альберт Михайлович — Ўзбекистон ССР Геология министрлиги марказий лабораторияси устахонасининг бошлиғи.

Рашидов Восиқ — «Химгеолнеруд» экспедицияси силлиқловчиси.

Стригунов Николай Семенович — «Ташкентгеология» бирлашмаси қурилиш-монтаж бошқармаси слесарлари бригадири.

Холиқов Мирсодиқ Мирахмедович — Ўзбекистон ССР Геология министрлиги бошқармасининг бош геологи.

Якимова Валентина Васильевна — «Химгеолнеруд» экспедициясининг геологи.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Лебедев Александр Николаевич — «Ташкентгеология» бирлашмаси автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Муҳамедов Хабибулла Абилович — Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг геология-иқтисодий тадқиқотлар бўйича методик экспедицияси инженери.

Писцова Аделаида Федосьевна — «Химгеолнеруд» экспедициясининг катта техник геологи.

Пузиков Виктор Николаевич — Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг бўлим бошлиғи.

Султонов Комил — Ўзбекистон ССР Геология министрлиги Тошкент ишчилар таъминоти бўлимининг ишчиси.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

10 март, 1981 йил.

Нина Черникова Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси медицина-санатория бўлимининг ишчан рентгенолог-лаборанти ҳисобланади. Суратда: Н. Черникова иш устида.

М. Нуриддинов фотоси.

МАШИНАСОЗЛАР ДАВРАСИДА

«ТАШСЕЛЬМАШ» заводининг коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини барча меҳнаткашлар коллективлари сингари, ўзининг жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилди.

Янги беш йиллик планларининг бажарилиши, совет жамиятининг энг яқин келажакдаги иқтисодий ва социал ривожланиши режаларини аниқ-равшан тузиб берган партия олий анжумани қарорлари ҳар бир коммунистга, ҳар бир ишчи ва хизматчига, инженер-техник ходимга етказилиши, кишилар қалби ва онгига чуқур сингдирилиши, уларнинг партия планларини ўз шахсий иш планлари, деб қабул қилишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам корхона тарғиботчилари съезд материалларини у иш бошлаган дастлабки кунларданоқ тарғиб этишга киришдилар. Завод цех ва бригадаларида ишчилар ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан съездга қилган Ҳисобот докладида қишлоқ хўжалиги учун хилмахил техника етказиб бераётган соҳаларнинг ишини янада яхшилаш ҳамда маҳсулот сифатини ошириш борасида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни айниқса зўр қизиқиш билан муҳокама этиб, ўн биринчи беш йиллик марраларини барвақт эгаллашга, деҳқонларимиз учун серунум машиналар етказиб беришга аҳд қилдилар. Пландан ташқари 10 та машина, ҳамда планга қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот машинасозларнинг съезд қарорларига дастлабки жавоби бўлди.

Кейинги кунларда ҳар бир цех, бўлим, участка ва бригадада очиқ партия ва ишчилар йиғилишлари ўтказилди, съезд материалларини пропаганда қилувчи стендлар тайёрланди. Бундан аввалроқ ташкил этилган оммавий-сиёсий мактаблар бу ишга муносиб ҳисса қўшдилар.

Партия анжумани материаллари сиёсий ва иқтисодий таълим системасида пухта ўрганилмоқда. Бунинг учун дастлаб партия ва комсомол сиёсий маорифи пропагандистлари, агитатор ва сиёсий ахборотчилар учун семинар ўтказилди.

Партия аъзолари ва комсомол-ёшлар мазкур материалларини партия ҳўжи машғулотларида тўққиз соат, ишчилар ва хизматчилар эса коммунистик меҳнат мактабларида 12 соат давомида пухта ўзлаштиришлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди.

Тингловчиларнинг съезд делегати, заводнинг автоматчи токари Юрий Иванович Степаненко билан учрашувлари айниқса мароқли бўлмоқда. У аввало ўзи ишлаётган 15-цех ишчилари билан бўлган учрашувларда съезддан олган зўр таассуротларини батафсил ҳикоя қилиб берди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида, ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг съездда сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалиги машинасозлари олдига қўйилган жуда катта вазифалар корхона коллективи учун ҳам масъулиятли иш программаси бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Корхона тарғиботчилари заводда мунтазам ўтказиб туриладиган мастерлар кунида ҳам съезд материалларини пропаганда қилишни йўлга қўйдилар. Ана шундай кунлардан бири КПССнинг халқаро сиёсатига бағишланди. Бунда ишчи ва хизматчилар КПСС XXVI съездининг ташқи сиёсат соҳасидаги кенг программаси билан батафсил таништирилди. Партиямизнинг бундан буён ҳам тинчлик, қуролсизланиш, кескинликни юмшатиш соҳасида ҳам активлаштириш борасида тегишли тадбирларни кўрди.

Газета саҳифаларида завод раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол активлари, мутахассислар ҳамда ишчиларнинг мақолалари ёритила бошлади. «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» деган янги рубрика остида ишчилар, бригада ва участкаларнинг 1981 йил ва умуман беш йиллик учун олаётган оширилган социалистик мажбуриятлари эълон қилинмоқда.

Масалан, 14-цех ишчиларидан В. Серокова, В. Мирошниченко ўртоқлар беш йиллик биринчи йили топширигини СССР Конституцияси кунигача бажаришга сўз бердилар. Ана шу цех механика участкасининг фрезерчиларидан А. Задайхонов, В. Шумицкий ўртоқлар эса ўн биринчи беш йиллик топширигини 3,5 йилда ado этиш юзасидан мажбурият олиб ишламоқдалар.

Э. Маматқулов бошлиқ 2-цехнинг валларни механик қайта ишлаш участкасининг бригадаси аъзолари партия съезди ишининг якунларига бағишлаб ўтказилган ўз йиғилишида В. И. Ленин таваллудининг 115 йиллигигача беш йиллик планни барвақт ado этишга қарор қилдилар.

Завод тарғиботчилари ишчиларга ўз социалистик мажбуриятларини ишлаб чиқишда кўмаклашиб, съезд қарорларини амалга ошириш бўйича корхонада кўрилаётган ҳамма тадбирларда фаол қатнашмоқдалар, янги-янги ташаббусларни кенг оммалаштирмоқдалар.

Р. БЕССОНОВА,
«Ташсельмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА!

1980 ЙИЛ ҒОЛИБИ

Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, эл осойишталигини сақлашда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, ўтган йили коллектив область шаҳар ва район ички ишлар бўлимлари ўртасидаги социалистик мусобақада голиб чиқиб, кўчма Қизил байроқ билан тақдирланган эди. Яқинда ички ишлар бўлими шахсий составининг ана шу мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковники Ж. Ж. Жамолов ангренлик осойишталик посбонларини табриклаб, уларга кўчма Қизил байроқни топширди.

Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Р. Х. Абдуллаев, профилактика бўлими катта инспектори А. Едгоров, шаҳар ГАИси катта инспектори Т. Черков ва бошқалар мукофот учун миннатдорчилик билдириб, социалистик қонунчиликни пропаганда қилиш ва шаҳарда намунали жамоат тартиби ўрнатиш соҳасидаги ютуқларни янада мустаҳкамлашга сўз бердилар.

Йиғилишда область партия комитети маъмурий ва савдо-молия органлари бўлимининг мудири К. С. Галашко, Ангрен шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Д. К. Бабкин ўртоқлар иштирок этдилар.

ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА

РАЙОН партия комитети ташкил этган хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, участка ва бўлим бошлиқлари ҳамда ўрта звено раҳбар кадрларининг иқтисодий ўқув машғулотлари давом этмоқда. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бўйича мазмунли лекциялар тингланмоқда. Машғулотларга олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, партия, совет ходимлари кенг жалб этилган.

Бу ўқув йилида районнинг иқтисодий ва социал ривожланиши, илғорларнинг иш тажрибалари, сифат ва тежамкорлик, техникадан самарали фойдаланиш масалалари чуқур ўрганилади. Илғор хўжаликларга экскурсиялар уюштирилади.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
«Коммунист» газетасининг ходими. Бекобод райони.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«АЛЛО, ВАЪДАБОЗЛАРМИ?»

42-АТС фойдаланишга топширилгач «Марказ-27»да телефонлаштириш ишлари тезлашиб кетди. Жумладан шу ердаги 13-уйдаги квартираларга ҳам 18 та телефон аппарат ўрнатилди. Қилинган ишлар, аппаратлар учун ҳақ ўтган йилнинг декабрида тўланган бўлса ҳам телефон аппаратлари миқ этмай турарди. Бу ҳақда телефон абонентлари станция раҳбарларига қатнайвериб, ғашраверриб чарчашди. Шу мазмундаги танқидий мақола «Алло, ваъдабозларми?» сарлавҳаси билан газетанинг 20 февраль сонида босилган эди.

Мазкур мақолага Ўзбекистон ССР алоқа министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Х. Ғ. Ғуломовдан жавоб олдик. Унда айтилганича танқидий мақола юзасидан ўтказилган текшириш натижалари бош бошқарма Советида муҳокама қилинган. Кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган.

Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармаси Совети Собир Раҳимов район телефон тармоқлари бўлимининг бош инженери ўртоқ Ш. А. Одиловни янги аппаратларни 42-АТСга улашда йўл қўйган камчиликлари учун ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилган. Шунингдек, катта инженерлик вазифасини вақтинча бажарувчи В. Сулаймонов 3 ой муддатга лавозимидан пасайтирилган. 42-АТСнинг станция инженери ўртоқ Ш. Жалиловга ҳайфсан эълон қилинган.

Шу кунларда Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бош бошқармаси 42-АТСдаги мавжуд камчиликларни тугатиб, барча телефон точкаларини станцияга улаш учун амалий чоралар кўрмоқда.

ТОШКЕНТ РАЙОНИДА

ЗАРБДОР ВАХТАДА

80 ЎРНИГА 90

Собир Раҳимов номли колхознинг Ваҳоб Юнусов бошлиқ пиллачилик бригадаси мавсумга пухта тайёрланмоқда. Ҳозир колхознинг қурт боқувчи хонадонларида суҳбатлар ўтказилиб, пиллачиларга зарур ёрдам ва кўрсатмалар берилянти. Кўпгина хонадонлардаги қурт боқиладиган хоналар колхоз томонидан жорий ремонт қилиб берилянти.

— Пилла қурти боқишда тут барги мўл-кўллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли колхоз кўчалари, ариқ ёқаларига 50 минг туп тут кўчати ўтказилиб, меҳр билан парвариш қилинмоқда. Бу йил давлатга 13 минг 200 килограмм пилла топширишимиз керак, — дейди бригада бошлиғи В. Юнусов. — Лекин пиллачиларимиз ҳар қутидан 80 ўрнига 90 килограммдан ошириб сифатли пилла олиш ва ялпи ҳосилни 14 минг килограммга етказишга аҳд қилишган.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ РАПОРТИ

Коммунистик мўл-кўлчилик учун курашаётган Ильич номли колхоз чорвадорлари давлатга 50 тонна ўрнига 63 тонна гўшт топшириб, съезд арафасида йиллик планни бажарганликлари ҳақида аввал хабар қилган эдик. Кени кеча эл дастурхонига яна 5 тонна гўшт топширишга эришган молбоқарлар тагин бир муваффақиятга эришдилар. Ильичликлар изидан бораётган «Ленинград» совхози. К. Маркс номли колхоз чорвадорлари ҳам давлатга гўшт топшириш бўйича ярим йиллик план топширишини муддатидан олдин бажардилар.

ОЙНАВАНД ДАЛАЛАР НЕЪМАТИ

Москвага, КПСС XXVI съезди делегатларига қўшимча 2000 килограмм бодринг, помидор ва бошқа турли резаворлар тортиқ этган «Ленин йўли» колхозининг теплица хўжалиги ходимлари мамлакатимиз шимолига ҳосил жўнатишни давом эттирмоқдалар. Кени кеча Ватанимиз пойтахти аҳолисига яна 500 килограммдан знёд ойнаванд далалар неъмати туҳфа этиб юборилди.

Колхоз теплицасида кўчат тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Бунда Мақсуд Маҳмудов бошлиқ 4-блок ишчилари намуна бўлишянти.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланган Келес ғишт заводи коллективи умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, зарбдорчасига меҳнат қилмоқда.

Завод ишлаб чиқарган ғиштлар Сирдарё, Жиззах областларига, шунингдек, зилзила туфайли зарар кўрган Калинин районидаги Назарбек қишлоғига жўнатилмоқда. Ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланаётган пешқадам коммунист — смена мастери Ботмат Абдураҳмонов, ишчи Мансур Меҳнев, ғишт тахловчи Мария Ниёзбоева, слесарь Фёдор Крутьевлар кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар.

Т. ИСЛОМБОЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбирлар постининг аъзоси.

ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛАДИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ қарорларидан руҳланган совхозимизнинг барча меҳнаткашлари шу кунларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Деҳқонларимиз ўн биринчи беш йилликда сабзавот ва картошка экишлари ҳосилдорлигини тинмай ошира бориб, аҳолига қишин-ёзин мўл-кўл маҳсулотлар етказиб беришга аҳд қилдилар. Бизнинг бўлимимиз ишчилари ҳам бу беш йилликда 8 минг тонналик хирмон яратишга сўз бердилар.

Шу кунларда далаларимизда иш қизғин. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси берилган ваъданинг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача 10 гектар ерга картошка, 10 гектар ерга карам экиб қўйилди. Ҳадемай уларга ишлов беришни ҳам бошлаб юборамиз.

Биз бу йил картошка ҳосилдорлигини 200 центнерга, сабзавот ҳосилдорлигини 350 центнерга етказишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, съезд қарорларига муносиб меҳнатимиз билан жавоб бериб, эл дастурхонини сабзавот маҳсулотларига тўкин қилаверамиз.

С. ЖЎРАЕВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг 2-бўлим бошлиғи.

КПСС Марказий Комитетининг чорвачиликни зарбдор фронтга айлантириш тўғрисидаги даъватига Паркент районидаги «Коммуна» совхоз суттовар фермаси коллективи амалий иш билан жавоб берянти. Чорвадорлар КПСС XXVI съезди қарорларига жавобан оширилган мажбуриятлар қабул қилиб, уларни муваффақиятли бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Фермада сигирлар маҳсулдорлигини ошириш учун социалистик мусобақа авж олган. Суратда: мусобақа пешқадамларидан соғувчилар М. Шукурова, С. Мирзабоева, К. Тўхтаевалар.

А. Абалян фотоси.

БУ ОБЪЕКТЛАР ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ЭМАС!

ПОЙТАХТДА САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН ЯНГИ БИНОЛАР ҚУРИЛИШИДА СУСТКАШЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахти кун сайин чирой очиб бормоқда. Ўтган беш йиллик ичида шаҳар қиёфаси мисли кўрилмаган даражада ўзгарди. Янги районлар ташкил этилди, йирик микрорайонлар, тураржой массивлари барпо этилди. Янги массивларда кенг кўламда ободонлаштириш, маиший-маданий объектларни барпо этиш ишлари амалга оширилди. Умумий овқатланиш тармоқлари, савдо шохобчалари вужудга келтирилди.

Фақатгина сўнгги беш йиллик мобайнида Тошкент шаҳрида 31626 квадрат метр ҳажмдаги 82 савдо тармоғи фойдаланишга топширилди. Самолётсозлар шаҳарчасида, Кўйлиқ микрорайонида йирик савдо марказлари қуриб битказилди. 8 та универсал магазинлар, 52 та озиқ-овқат ҳамда 30 та саноат маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин ишга туширилди. Ўтган йили эса пойтахтимизда 19 та йирик савдо тармоғи аҳолига хизмат қила бошлади. Бир қаришда бу рақамлар кишини қувонтиради, албатта. Лекин...

ҲАММАСИ ЧАЛА...

Турар-жой қурилиши учун ажратилган умумий капитал маблағнинг беш процента ўрнида ёрдамчи объектлар қуриш учун сарфланади. Яъни магазин, умумий овқатланиш тармоқлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, дорихона ва бошқа шу кабиларни қуришга кетади.

Қурилиш ташкилотлари шундай муҳим объектларни барпо этишга иккинчи даражали иш деб қарамоқдаларки, бу афсусланарли бир ҳолдир.

Фактларга мурожаат қиламиз.

Ўтган йилнинг ўзида савдо объектларида 5732 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши назарда тутилган эди. Афсуски, бу маблағнинг анчагина қисми ўзлаштирилмай қолди. «Главташкентстрой»га қарашли қатор қурилиш бошқармалари ўз планларининг мазкур пунктини тўла бажара олмадилар. 1980 йилда 45 объект ўрнига 19 таси фойдаланишга топширилди, холос. Беш йиллик мобайнида эса бундай қурилиш бўйича 7011 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмади. Оқибатда 30405 квадрат метр ҳажмдаги 74 савдо шохобчаси ишга тушмай қолди.

...Биринчи май кўчасида бунёд этилаётган йирик савдо комплекси киши кўзини қувонтиради. Мазкур комплекс аҳолига хизмат кўрсата бошласа, яқин атрофдагилар кундалик турмуш учун зарур нарсаларни харид қилиш учун қўшни кварталларга боришларига ҳожат қолмайди. Лекин бугунги кунгача унинг биринчи навбатигина ишга туширишди, холос. Шу сабабли улар қурилиш тугашини орзиқиб кутишяпти. Лекин яна қанча кутишларини ҳеч ким аниқ айтолмайди.

Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести бу савдо комплексини ўтган беш йиллик ичида қуриб битказиши керак эди. «Ўтган беш йиллик ичида», деб мавхумлаштиришга ҳам сабаб бор. Трестдагилар шундай деб жавоб беришни маъқул кўришади. Чунки комплексни ниҳоясига етказиш 1978 йилга мўлжалланган эди. Ўша йили битмади. Сўнгра 1979 йил планига ўтказилди. 1980 йил ҳам тугади. Комплекс эса ҳамон қурилмоқда. 1981 йилдан бошлаб 159-трест қурувчилари бош пудратчиликдан «воз» кечишди. Айни пайтда қурилишни иккинчи уйсозлик комбинати бунёдкорлари давом эттиришяпти. Иш бироз жонлангандек бўлди.

2-«Қорасув» микрорайонида қад кўтараётган сабзавот ва мевалар магазини, 2-Сергели массивидаги жамоат савдо маркази, 1-Қорасув микрорайонидаги йирик савдо комплекслари қурилиши ҳам оқсамоқда. Ўтган йили аҳолига хизмат қила бошлаши керак бўлган бу савдо корхоналари ҳамон суст қурилмоқда. Иш шу алфозда давом этса, қурилиш анча чўзилиши турган гап.

Бу объектларни савдо тармоклари қурилишига ихтисослашган «Узторгстрой» трести барпо этмоқда. Лекин минг афсуки, бу трест раҳбарлари ҳам муҳим вазифага нисбатан масъулиятсизлик қилишмоқда. Магазинларни тез ва соз қуриш ўрнига сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Ҳозирги вақтда шаҳарда 54 та янги савдо шохобчасини қуриш ишлари давом эттирилянти. Уларни фойдаланишга топшириш муддатлари аниқ белгиланган. Аҳолига хизмат кўрсатувчи бу объектларни вақтида қуриб бериш —биноларнинг муқаддас бурчидир.

«ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ»

Утган йили кўпчилик умумий овқатланиш корхоналарини қуриш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмади. Йиллик план 68 процент бажарилди холос.

...Чилонзор массивининг Ц кварталида 150 ўринли пархез таомлар ошхонаси қурилишини эшитиб, кўпчилик хурсанд бўлган эди. Шу атрофда истиқомат қилувчилар, ўнлаб корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчилари унинг ишга туширилишини орзиқиб кута бошладилар. «Узторгстрой» трести раҳбарлари эса «Орзуга айб йўқ, кутаверишсин» дегандек ишни ҳамон пайсалга солишмоқда.

Ўтган йили ошхона қурилиши учун 120 минг сўм ажратилди. Лекин трест бу ерда ҳеч қандай иш бажармади. 1981 йилнинг январь — февраль ойларида 26 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак эди. Ҳозиргача ошхона пойдевори учун зовур ҳам қазилганича йўқ.

«Главташкентстрой»га қарашли қурилиш трестлари ҳам умумий овқатланиш корхоналарини қуришга лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганликларини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, ўтган йили 11-«Висотстрой» трести «Правда Востока» кўчасида жойлашган ошхонани реконструкция қилиш планини бор-йўғи 35 процент, 6-трест бунёдкорлари Зиёмов кўчасидаги 400 ўринли ошхона қурилиши йиллик планини 66 процент қилиб бажаришди, холос. Қолган ишлар ўлда-жўлда колиб кетди.

ЖУМБОҚ...

Одатда қурилиш майдони гавжум бўлади. Лекин бу ошхона қурилиш майдони сув қуйгандек жим-жит эди. Бу объектни қуриш бўйича ўтга тушириишини орзиқиб кута бошладилар. «Узторгстрой» трести раҳбарлари эса «Орзуга айб йўқ, кутаверишсин» дегандек ишни ҳамон пайсалга солишмоқда.

Ўтган йили ошхона қурилиши учун 120 минг сўм ажратилди. Лекин трест бу ерда ҳеч қандай иш бажармади. 1981 йилнинг январь — февраль ойларида 26 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак эди. Ҳозиргача ошхона пойдевори учун зовур ҳам қазилганича йўқ.

«Главташкентстрой»га қарашли қурилиш трестлари ҳам умумий овқатланиш корхоналарини қуришга лоқайдлик билан муносабатда бўлаётганликларини таъкидлаб ўтиш лозим. Масалан, ўтган йили 11-«Висотстрой» трести «Правда Востока» кўчасида жойлашган ошхонани реконструкция қилиш планини бор-йўғи 35 процент, 6-трест бунёдкорлари Зиёмов кўчасидаги 400 ўринли ошхона қурилиши йиллик планини 66 процент қилиб бажаришди, холос. Қолган ишлар ўлда-жўлда колиб кетди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕЙДИ

БУНДАН бир йил муқаддам Олмалиқ химия заводида ёрдамчи хўжалик барпо этилган эди. Қисқа вақт ичида бу ерда чорва моллари учун комплекс қуёнхона ва бошқа бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳозир ёрдамчи хўжаликда 500 бош қўй, 300 бош қуён парвариш қилинмоқда.

— КПСС XXVI съездида совет кишиларининг турмуш фаровонлигини янада оширишга катта эътибор берилди. Аҳолини озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда ёрдамчи ва шахсий хўжаликлар катта резервдир,

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ИСТИҚБОЛИ

— дейди ёрдамчи хўжалик раҳбари А. Абдураҳмонов. — Биз съезд қарорлари асосида янги тадбирларни кўрмоқдамиз. Хўжалигимизда бу йилдан бошлаб 240 бош соғин сигир, 400 та парранда боқила бошланади. Бундан ташқари 200 гектар ер ўзлаштирилиб, турли хил сабзавот ва полиз экинлари ҳамда ғалла экилади. Бог-роғлар ташкил этилмоқда.

Ёрдамчи хўжалик асосан завод ишчи-хизматчилари учун мўл ва арзон чорвачилик ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари етказиб беришга мўлжалланган. Хўжаликда шу кунларда завод меҳнаткашлари учун дастлабки маҳсулотлар жўнатила бошланди. Йил охиригача яна 5 тонна қўй ва қуён гўшти етказиб берилади.

Н. АБДУРАСУЛОВ.

ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛАДИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ қарорларидан руҳланган совхозимизнинг барча меҳнаткашлари шу кунларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Деҳқонларимиз ўн биринчи беш йилликда сабзавот ва картошка экишлари ҳосилдорлигини тинмай ошира бориб, аҳолига қишин-ёзин мўл-кўл маҳсулотлар етказиб беришга аҳд қилдилар. Бизнинг бўлимимиз ишчилари ҳам бу беш йилликда 8 минг тонналик хирмон яратишга сўз бердилар.

Шу кунларда далаларимизда иш қизғин. Коллективимизнинг ҳар бир аъзоси берилган ваъданинг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача 10 гектар ерга картошка, 10 гектар ерга карам экиб қўйилди. Ҳадемай уларга ишлов беришни ҳам бошлаб юборамиз.

Биз бу йил картошка ҳосилдорлигини 200 центнерга, сабзавот ҳосилдорлигини 350 центнерга етказишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бир сўз билан айтганда, съезд қарорларига муносиб меҳнатимиз билан жавоб бериб, эл дастурхонини сабзавот маҳсулотларига тўкин қилаверамиз.

С. ЖЎРАЕВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг 2-бўлим бошлиғи.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

6—12 АПРЕЛЬ

6 АПРЕЛЬ
ДУШАНБА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.50 — Концерт. 11.10 — Бадиий фильм. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Я. Ғашек ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.10 — Онамларнинг мактаби. 17.40 — «Урҳо Кекконен СССРда». Ҳужжатли фильм. 18.00 — «Совет романси». 18.30 — «Орлёнок». 19.15 — Концерт. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — «Беш йиллик ва коллектив». 20.20 — «Шаҳарлар ва йиллар». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — «Шаҳарлар ва йиллар». Бадиий фильм. 2-серия. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — «Ленинград балети».

ЎзТВ-I

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Концерт. 19.00 — «Йигитлар Армияга боришади». 19.30 — Ахборот. 19.45 — Музикали кўрсатув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.20 — «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм, 1-серия. 23.40 — Халқаро аҳвол кундалиги. 23.55— Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Илмий-оммабоп программа. 19.30 — Биология. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.20 — Ҳужжатли фильмлар.

7 АПРЕЛЬ
СЕШАНБА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ота-оналар, сизлар учун. 10.35 — «Шаҳарлар ва йиллар». Бадиий фильм. 1-серия. 11.45 — Концерт. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Жонажон табиат. 16.55 — Фильм-концерт. 17.20 — «Ҳунар-техника таълими билим юртларида». 17.50 — «Стартдан кейинги кунлар ва йиллар». 18.15 — Шахмат мактаби. 18.45 — Врач суҳбатлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — «КПСС XXVI съезди қарорлари—ҳаётга!». 19.45 — «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.30 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 22.45 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Мактаб ўқувчилари учун. 19.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 20.50 — Ахборот. 21.10 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.00 — «Экишни тез ва соз ўтказайлик». 22.15 — «Ғалабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — «Ёшлик». 19.10 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 — Биология. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Жиноят ҳуқуқи. 20.50 — Назарий механика. 21.50 — Шеърият билан учрашув.

8 АПРЕЛЬ
ЧОРШАНБА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси катта болалар хори фольклор группасининг концерти. 10.35 — Шаҳарлар ва йиллар. Бадиий фильм. 2-серия. 11.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.35 — Янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — иқболинг». Кинопанорама. 16.00 — Рус тили. 16.30 — «Горнчилар, қаердасиз!». 17.00 — Қиличбозлик бўйича халқаро мусобақалар. 17.25 — Фортепьяно квартети. 17.55 — Ёшлар адреслари. 18.55 — Телевизион очерк. 19.20 — Хоккей бўйича халқаро турнир. 19.55 — Дунё воқеалари. 20.45 — Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар премьераси. 21.30 — Время. 22.00 — Спорт программаси. Футбол бўйича кубок эгалари кубоги учун. «Динамо» (Тбилиси) — «Фейеноорд» (Голландия). 22.45 — Ўсмирлар ўртасида хоккей бўйича Европа биринчилиги. Финал. 23.20 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 12.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Телефильм. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Кувноқлар даврасида. 18.40 — Шеърият дафтаридан. 19.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари —ҳаётга. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Молдавия ССРнинг музика санъати. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Молдавия ССРнинг музика санъати (давоми) .21.30 — Время. 22.00— Янги қаҳрамонлар. 22.15 — Пўлат ва Баҳор. Бадиий фильм. 23.30 — Бугун оламда нима гап? 23.45 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Реклама. 19.00—Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Совет давлати ҳуқуқ асослари. 20.50 — Яратувчилик уфқлари. 21.20 — Студентлик олтин даврим.

9 АПРЕЛЬ
ПАЙШАНБА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Горнчилар қаердасиз? 10.35 — Концерт. 11.25 — Ҳайвонот оламида. 12.25 — Концерт. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.10 — Халқ оҳанглари. 16.25 — Телевизион очерк. 16.55 — СССР билан Югославия ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам ва ўрушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланган кунга. «Югославия бўйлаб» кинопрограмма. 17.20 — Звездочет. Телевизион журнал. 18.05 — Концерт. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Қўшиқ инсон билан қолади. 20.30 — Ю. А. Гагарин парвозининг 20 йиллигига. Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.20 — Дунё воқеалари.

ЎзТВ-II

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Дилдан қўйлаб, ўйна қувнаб. 14.00 — Пўлат ва Баҳор. Бадиий фильм. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — Врач маслаҳатлари. 19.10 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 —Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қўшиқ айтган етар муродга. 5-кўрсатув. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Болажон қиз. Бадиий фильм. 23.55 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 20.50 — Абитуриентлар учун. Физика.

10 АПРЕЛЬ
ЖУМА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар! 11.05 — Шимол рус қўшиқлари. 11.35 — Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 12.20 — Халқаро конкурслар лауреати. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Фильм-концерт. 16.50 — Ўсмирлар ижоди. 17.20 — Москва ва москваликлар. 17.50— Халқ чолғулари оҳанглари. 19.05 — Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.35 — Фильм-концерт. 19.55 — Космонавтика кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. 24.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 12.30 — Ҳужжатли фильм. 12.40 — Замандас. 13.30 — Болажон қиз. Бадиий фильм. 17.45 — Кўрсатувлар программаси. 17.50 — Мультфильм. 18.00 — Қишлоқ ёшлари. 18.30 — Тоғ ва воҳалар ўлкаси шеърияти. 19.00 — Реконструкция суръати ошмоқда. 19.25 — Ахборот. 19.55 — Москва. Космонавтика кунига бағишланган йиғилиш ва концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 23.35 — Сени кутамиз йигит. Бадиий фильм. 00.05 — Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Она тили. 19.30—Ўқитувчи экрани. 20.00 Янгиликлар. 20.20 — Математика. 21.20 — Бизнинг бош мухбиримиздан.

11 АПРЕЛЬ
ШАНБА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.50 — Эрталабки гимнастика. 10.15 — АБВГДейка. 10.50 — Ота-оналар, сизлар учун. 11.20 — Г. Минасян куйлайди. 11.50 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.20 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 13.05 — Спортлото. 13.15 — Ҳаётга йўлланма. 14.00 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 15.05—Дунё воқеалари. 15.20 — Телевизион бадиий фильм премьераси. 16.30 — Моцарт қўшиқлари. 17.20 — Классик кураш бўйича Европа чемпионати. 17.55 — Снёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.25 — Замин, инсонга таъзим эт. Поэма. 19.00 — Мультфильмлар. 19.20 — Эртага — мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 19.35— Концерт. 20.20 — Раиснинг кечаси. Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 22.55 — Бадиий гимнастика бўйича Халқаро мусобақалар.

ЎзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Лирик концерт. 10.50 — Сўз кетидан сўз келар. 11.10—Мультипанорама. 11.45 —Шахмат мактаби. 12.15 — Телевизион театр почтаси. 13.15 — Ёшлик студияси кўрсатади. 14.15 — Кинопублицист экрани. 15.15 — Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — До-ре-ми фа-соль. 18.45 — Табиатга муҳаббат. 19.15 — Пиллачиларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов концерти. 21.30 — Москва. Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.15 — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

12 АПРЕЛЬ
ЯКШАНБА

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг! 10.05 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — Қишлоқ янгиликлари. 13.50 — Музикали киоск. 14.20 — Инсон, ер, коинот. 15.05 — Телевизион бадиий фильм. 16.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.15 — Халқаро панорама. 18.00 — Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. СССР — Голландия. 20.25 — Бадиий-ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Космонавтика кунига бағишланган концерт. 23.20 — Футбол шарҳи. 23.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ-I

9.55 — Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.50— Адабий композиция. 11.20 — Фонарик. 11.50—Мультфильм. 12.00 — Кувноқ стартлар. 13.00 — Бадиий фильм. 14.20 — Ўзбекистон Давлат санъат музейи заллари бўйлаб. 14.50 — Ўзбекистон спорти. 15.20— Реклама. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Мультфильм. 18.20 — Космонавтика кунига бағишланган кўрсатув. 19.20 — Бугун — мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. 21.30 — Время. 22.05 — Экиш кундалиги. 22.20 — Эртага — премьера. 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

ҚИРГИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Шанба САҲИФАСИ

Янги шеърлар

Пўлат МУМИН

БИР ЖОН МИСОЛ

(ҚЎШИҚ)

Олганмисан дил изини
Жон офати—жонон мисол.
Айлаб бажо ишқ расмини
Юргаймисан ҳайрон мисол.
Боғлараро кўрсам қачон
Сир бермайин юрдинг ҳамон.
Бу ёшлигинг—бахтинг билан
Кетдингми ё осмон мисол?

Сенга очиқ кўнгил йўлим,
Кўксимдадир икки кўлим.
Меҳмон бўлиб келсанг агар
Жоним тутай мезбон мисол.
Этгил синов ошиқлигим,
Исбот этай содиқлигим.
Сақлай бахту тахтнигни мен
Умрим бўйи посбон мисол.

Гуллар кулар гуллар билан,
Диллар кулар диллар билан,
Боғингга боғ бўлса туташ
Доврўг ёр бўстон мисол.
Орзуга ет, орзум ўзинг,
Менга сирнинг айтар кўзинг.
Кўргай баҳам бахтин Мўмин
Бир тан мисол, бир жон мисол.

САБОЛАР БЎЛСА

Ер кезган боғда саболар бўлса,
Ер келган чоғда иболар бўлса.

Кўзлар учрашиб лол қолса тиллар,
Оҳу қарашлар—имолар бўлса.

Севган-севишган учрашган дамлар,
Тугалса дарҳол низолар бўлса.

Кўзларда шодлик, дилларда туғён,
Салом-аликда ҳимолар бўлса.

Ер меҳри ёрга оҳангрободур,
Сўзлар болидан шифолар бўлса.

Эгри йўлларга оғмайди хаёл,
Севги эрур бахт вафолар бўлса.

Меҳнат, муҳаббат завқин тотганга
Дўстлардан олий баҳолар бўлса.

Мўмин тилакдош севишганларга,
Аҳду паймонда ижролар бўлса.

ҲАР КУН ҚУЁШ АЙЛАНДИ

Саҳна узра бир қаламқош айланди,
Кўзни олиб, ёнган оташ айланди.
Ишқим дилга бўлиб сирдош айланди,
Висолнга етолмай бош айланди.

Кўз-кўз бўлиб кўрингандай кўзгуда,
Чақмоқ мисол товланарди ёгдуда.
Мен юрарман ширин-ширин орзуда,
Чаманга зеб берган наққош айланди.

Муҳаббатим асло пинҳон тутолмай,
Ер сеҳридан айланиб ҳеч кетолмай,
Не сабабдан бир қарорга етолмай, —
Яхши-ёмон фикрим уйқаш айланди.

Қачон кўрсам сиғмагандай жаҳонга,
Арзи ҳолим англатолсам жононга,
Умрим бўйи етган бўлиб армонга,—
Қувончимдан кўзимда ёш айланди.

Санъат бахти оро берди аслида,
Даврон сурар ёшликнинг гул фаслида,
Бир Мўминмас, айланган ёр васлида
Осмон бўйлаб ҳар кун қуёш айланди.

ИҚБОЛ ЖАВОБ

Тилга дил фармон бериб дер ол, жавоб,
Нозанинлар айламас дарҳол жавоб.

Гоҳ жавоб ўрнида ўтгай нез-ибо,
Шарт эканми севгида яққол жавоб.

Гунча лабдан чиқса сўз, бахтинг эрур,
Тотмасанг ҳам таъмида бор бол, жавоб.
Севги асли тушмасин торозуга,
Фарқ қиларкан гоҳи бир мисқол жавоб.
Гар саволингга савол берса санам,
Икки дилдан чиқса соз ҳушхол жавоб.
Ҳар савол бирлан жавобнинг фарқи бор,
Бўлмасин ҳеч ўртада дудмол жавоб.

Фурсату ўрнида бўлса ҳар савол,
Бахш этар Мўминга ҳам иқбол жавоб.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» ПАВИЛЬОНЛАРИДА

«Етти умид камалаги». «Ўзбекфильм» киностудиясида ишланаётган янги фильм ана шундай деб аталади. Уни А. Абубакир сценарийси асосида режиссёр Х. Файзиев суратга олмоқда. Узига хос эртак фильмда маликаи Паризод ролини артистка С. Исаева, шаҳзода Бахтиёр ролини Б. Қобулов ижро этмоқда. Суратда: фильмдан кадр.

Содиқ дўстлар билан қандай фахрланиш кераклиги ҳақида «Ўзбекфильм» студиясининг янги лентаси — «Томорқадаги эчки» номли қўғирчоқ фильми ҳикоя қилади. Янги асарнинг режиссёри ва сценарий автори Л. Бобохоновдир. Суратда: қўғирчоқ фильмидан бир лавҳа.

Л. Глауберзон фотолари.

Умондан қатралар

ДОНОЛАР КУЛГИ ҲАҚИДА

● Табассум — одамохунлик белгисидир.
Л. Толстой.

● Кулгили вазиятни фаҳмлай олмайдиган одам, кўпинча ўзи кулгили ҳолатга тушиб қолади. Нима десангиз денгу, юмор зарур нарса.
А. Толстой.

● Табассум — фақат куч белгиси эмас, кучнинг ўзгинасидир ҳам.
А. Луначарский.

● Ҳафақонларга кўра хушнуд кишилар кўпроқ арзимас хатога йўл қўядилар. Ҳафақонлар эса кўпроқ оғир ва жиддий хатога йўл қўядилар.
Г. Клейст.

● Ҳаёт—кўзгу. Унда ҳар ким ўз аксини кўради. Чимирилсанг у ҳам сенга қовғини солади, унга кулиб боқ, табассум қил, шунда сен ҳам хушчақчақ дўст топасан.
В. Теккерей.

● Қувноқ кишига дунё ҳам кулиб тургандай бўлади.
И. Гёте.

● Ахмоқона кулишдан ёмон нарса йўқ.
Катулл

● Гул сувсиз, қуёшсиз сўлганидек, одам ҳам шодликсиз сўнади.
В. Крачковский.

● Кулги-қуёшдир, у инсон юзидан қишни қувийди.
В. Гюго.

● Ҳазил-мутойбани тушунмайдиган одам, умман ҳеч нарсани тушунмайди.
А. Чехов.

● Кулги-қудратли қуроллдир. У ҳаётингдан ҳам, молмулкингдан ҳам маҳрум этмайди, лекин унинг олдида бировлар занжирбанд қўёндек типирчилаб қолади.
Н. Гоголь.

Тўпловчи:
З. ЭГАМБЕРДИЕВ.

Спорт

ҒОЛИБЛАР САФИДА

● БОКС. Москвадаги «Крилья Советов» спорт саройида ёшлар ўртасида ўтказилган, Бутуниттифоқ мусобақалари ниҳоясига етди. Ун бир иттифоқдош республикалар ва Москва шаҳрининг 180 спортчиси рингга чиқди. Энг яхши техника намойиш этадиган боксчилар учун таъсис этилган иккита мукофотнинг бирига ангренлик Толиб Исроилов муяссар бўлди. Боксчимиз барча учрашувларда тўла устунлик билан ғолиб келиб, 46 килограммгача вазнлилар ўртасида чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Умуман, республикамиз вакиллари муваффақиятли қатнашдилар. Улар Москва командасидан кейин иккинчи ўринни олишди. У. Одилов 60 килограммгача, В. Горенко 74 килограммгача, С. Богданов 80 килограммгача вазнлилар ўртасида биринчи ўринни эгалладилар.

ИККАЛА УЙИН ҲАМ ДУРАНГ

● ХОККЕЙ. Тошкентнинг «Бинокор» командаси саралаш учрашувларининг охирги турида «Сибирь» командасига икки ўйинда уч очко бериб қўйиб, финал олтиликка қиролмаган эди. Умумий 7—10 ўринлар учун даъвогарлик қилаётган ана шу икки команда яна учрашди. Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган иккала ўйинда ҳам бир хил — 4:4 ҳисоблари қайд этилди.

Тошкентлик хоккейчилар кейинги учрашувларни Тюмень шаҳрида «Рубин» командаси билан ўтказадилар.

«ЁШ КУЧ» УСТУНЛИГИДА

● ДЗЮ-ДО. Республика шахсий команда чемпионати Чирчиқ шаҳрида ўтказилди. Бунда турли кўнгилли спорт жамиятларининг 250 дан ортиқ вакили иштирок этди. Олишувлар «Ёш куч» спортчиларининг тўла устунлигида ўтди. Бу жамият командаси 58 очко тўплаб биринчи бўлди. Шунингдек, чемпионлик унвонига сазовор бўлган 12 дзю-дочининг олтитаси «Ёш куч» вакилларидир. Булар — Н. Браверман, А. Мешков, И. Соколов, М. Разваляев, Ю. Шварцберг, В. Истомилардир.

ТЕПЛИЦАДАН—КЎРГАЗМАГА

Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг қишлоқ хўжалигига бағишланган бўлимида цитрус ўсимлиги — лимон намойиш қилинмоқда. Кўргазма залига кирган ҳар бир томошабин унинг олдида узоқ туриб, томоша қиладиган ўсимликни Узбекистон иқлим шароитига мослаштириб, уни муваффақиятли равишда етиштирган ўзбек деҳқонига тасаннолар айтади.

Серқуёш Узбекистонимизда Кавказ боғларининг кўрки бўлган лимон кўплаб етиштирилмоқда. Мазкур лимонлар кўргазмага Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз теплицасидан келтирилган.

Колхозда ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳосилдор майдонлардан 40 тонна ўрнига 70 тонна ёки 1 миллион 400 дона лимон етиштирилди. Бу йил эса цитрусчилар планда белгиланган 1 миллион дона ўрнига 2 миллион дона лимон етиштиришга аҳд қилишган.

1983 йилга бориб теплица майдони 50 гектарга етказилади. 1985 йилда олинадиган ҳосил 15—20 миллион донани ташкил қилиши кўзда тутилмоқда.

Лимоннинг Ф-3 ва Ф-4 янги навларининг шифобахш хусусиятлари юқ. Ф-5 нави эса эндигина ҳосилга кирмоқда. Сўнгги вақтларда етиштирилган бу навлар ҳосилининг кўплиги ва меваси катталиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Цитрусчи З. Фахриддиновнинг изланишлари юксак баҳоланиб, у СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг имтиёзли дипломи ва «Москвич» енгил автомашинаси билан мукофотланди. Шунингдек, у Узбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг I-даражали Дипломини олишга муяссар бўлди.

К. ҚОБИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА

«ХАТЭ-12М» СИЗГА АВТОМОБИЛДА САЕҲАТ ВАҚТИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БУЗИЛМАСЛИГИ УЧУН КАФОЛОТ БЕРАДИ!

Холодильник конструкциясида икки хил иш режими кўзда тутилган: асосий (автомобиль ҳаракат вақтида) ҳамда ёрдамчи (тўхтаб турган пайтда). Тўғрилаш мосламаси бор бўлганда холодильникни 127/220 ваттли электр тармоғига улаш мумкин.

Атроф-муҳит температураси ортганда холодильник камераси асосан 20° С режимида, ёрдамчи режимда — 15° С да ишлайди.

Холодильник камерасининг умумий сиғими — 12 куб. дециметр.

ХОЛОДИЛЬНИКНИНГ ОҒИРЛИГИ 8 КИЛОГРАММ.

Ҳажми: 410x280x500 мм.
Баҳоси — 70 сўм.

«ХАТЭ-12М» АВТОМОБИЛЬ ХОЛОДИЛЬНИГИДА — МАҲСУЛОТЛАР БУЗИЛМАНДИ.

«ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14, 15, 16 апрель соат 19.30 да
ЦИРК ВА ТЕАТР АРТИСТЛАРИ ИЖРОСИДА

КУЛГИ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Узбек паҳлавони
Юнусали ҒОЗИЕВ.
Бутуниттифоқ цирк конкурсининг лауреати
Тамара СИНДАРОВА.
ФОТИМА ВА ЗУҲРА ИСМОИЛОВАЛАР ИЖРОСИДА
ПЛАСТИК ЎЙИНЛАР
Турғун МАЛИКОВнинг
СЕҲРГАРЛИК МУЪЖИЗАЛАРИ
Киргизистон ССРда хизмат нурсатган артистлар:
Толибжон БАДИНОВ, Ойтожи ШАБДОНОВА, Расулжон УРАИМЖОНОВ.
Сатира, юмор ва пародиялар ижрочиси
Каримжон УРИНОВ
Қўшиқ ва рақсларда: Матлуба МАВЛОНОВА, Барно ҚУРБОНОВА, Муниса ТУХТАСИНОВА, Турсунали КЕНЖАЕВ ва бошқалар қатнашадилар.
Программани — Умаржон ОЛИМЖОНОВ ва Раҳматулла НАСРИДДИНОВ олиб борадилар.
Касса соат 19.00 дан очиқ.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.
Телефон: 44-35-91.

ҲИНД ЖУРНАЛИСТЛАРИ МЕҲМОНИМИЗ

СССР Журналистлар союзининг таклифига мувофиқ Ватанимизга келган «Керала каумуди» газетаси Деҳлидаги бўлинмасининг бошлиғи В. Н. Наир ва Ҳиндистон ҳукумати ахборот бюроси директорининг ўринбосари Р. К. Качру республикамиз пойтахти билан танишмоқдалар. Меҳмонлар кеча «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясида бўлдилар. Газета редактори, Тошкент область журналистлар ташкилотининг раиси Н. Насимов меҳмонларга область оммавий ахборот воситаларининг иши ҳақида гапириб берди.

ҲАВАСКОРЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Ўтган йили Чилонзор районидаги 5-маданият уйи бадиий ҳаваскорлари «Радуга» вокаль-чолғу асбоблари ансамбли тузишганди.

Улар ҳозир район саноат корхоналарида, қурилиш объектларида ўз санъатларини намойиш этмоқдалар.

Ансамбль дам олиш кунлари пахтакорлар, чорвадорлар ҳузурида ҳам бўлади. Ўз сафига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари, шифокорлари ҳам олиб агитбригада сифатида дала кезади.

—Биз ҳаваскор ёшларни сафимизга бундан буён ҳам жалб этаверамиз, — дейди маданият уйининг директори С. Маҳкамова. — Тез кунларда меҳнаткашларни дуторчи ва рақоса қизлар ансамбллари санъатидан баҳраманд этамиз.

Ж. ЕҚУББЕКОВ.

ОНА ЕРТУПРОҒИ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 1979 йил 13 ноябрь сонида «Жасоратдан ёдгорлик» сарлавҳали мақола босилган бўлиб, унда Белоруссия ССР Витебск областининг Дубровенск районидаги саккиз йиллик мактаб ўқувчилари совет жангчиси қолдиқлари билан бирга 468928 рақамли «Жанговар хизматлари учун» медалини топганликлари ҳикоя қилинган эди. Бу медаль Урта Чирчиқ районидан Ватан ҳимоясига отланган Ҳасанбой Йўлдошевга тегишли эканлиги аниқланди. Қариндош-уруғлар марҳум Ҳ. Йўлдошев ҳақида шу вақтгача ҳеч қандай хабар топмагандилар. Унинг қабри аён бўлгач, онла аъзолари ўша томон қанот чиқариб учгудек эдилар.

Яқинда қаҳрамон жангчининг синглиси Турдихон Сувонова (Йўлдошева), унинг турмуш ўртоғи Убайдулла Сувонов, жигаргўшаларидан Рисбой Дадабоев ва Ғожиаҳмад Ризақуловлар Белоруссияда бўлиб, Ҳ. Йўлдошевнинг ҳоки қўйилган ўртоқлик мозорини зиёрат қилиб қайтдилар.

...АКАСИНИНГ хабарини эшитган Турдихон опа ҳудди у билан қайта кўришадигандек Белоруссияга шошилди. Аёлнинг мақсади жигарбандининг кийдик қопи тўкилган опа ер тупроғидан унинг қабрига етказиш ва бу билан ўзи учун қиёматли қарз деб билган вазифани ўташдан иборат эди.

— Мана, поездга билет олиб келдим. Эртага жўнаймиз,— дея эшикдан кириб келган Убайдулла акасинг сўзлари опанинг ҳаёлини бўлиб юборди. Бу сўзлардан унинг кўзларида яна соғинч ёшлари қалқди...

Зиёратчилар тушган поезд узоқ йўл босди. Турдихон опа ойнадан тикилганча ўйга толди. Акасини эсларди.

Ниҳоят орзиқиб кутилган дамлар яқинлашди. Улар қачонлардир Ҳасанбой Йўлдошев фашист газандалари билан тенгсиз жангларда қатнашган Дубровния шаҳрига етиб келишди. Жигаргўшалари ҳақида Тошкентга хабар келган «Днепровская правда» газетасининг ходими Исаак Ефимович Коган билан учрашилди. И. Е. Коганнинг ўзи ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бўлиб, уруш даҳшатларини бошидан кечирган экан.

Дубровенск район ҳарбий комиссариатидаги ўртоқлар жасур жангчининг синглиси ва қариндошларини самимий қарши олишди, улар билан суҳбатлашишди. Биргаликда ўртоқлик мозорини зиёрат қилишга отланишди.

Зиёратчилар Красная Слобода қишлоғига етиб келишганда кун тиккага келганди. Район ҳарбий комиссарининг ўринбосари В. Бабенков ёрдамга бошларди. Турдихон опа ҳарбий комиссариат вакилининг ҳар бир сўзига қулоқ солар, гўё у сўзлаб берётган уруш воқеаларининг ҳаммасида акаси иштирок этгандек бўларди. У атрофдан кимнидир қидирарди.

Улуғ Ватан уруши йиллари ҳалок бўлганлар хотираси учун ўрнатилган улкан ёдгорлик атрофида бир қанча қабрлар кўзга ташланарди. Уларнинг бирида эса шундай ёзув бор: «Номаълум солдат Ҳасанбой Йўлдошев». Меҳмонлар қабр қаршисида тиз чўкдилар. Турдихон опа мармар тошни силаларди-ю, кўз ёшлари тўкиларди.

Турдихон опанинг кўз ўнгида бундан қирқ йил муқаддам ҳаёт бўлган Ҳасанбой акаси гавдаланди. У билан хаёлан гаплашди. Узоқ сукунатдан сўнг опа ўзи билан авайлаб олиб келган тупроқни қабр устига тўкди. Сўнг акаси қабри тупроғидан бир сиқим олиб, дастрўмолига тугди.

Улуғ яна бир неча кун Белоруссияда бўлишди. Қизил изтопарлар ҳамда Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашишди. Ҳ. Йўлдошев хизмат қилган қисм жангчилари фашистлар билан олиб борилган тенгсиз жангларда қандай қаҳрамонликлар кўрсатганлиги ҳақидаги хотиралари тинглашди. Тошкентга қайтиш олдидан ўртоқлик мозорини яна бир бор зиёрат қилдилар. Турдихон опа акасининг қабри тепасида узоқ туриб қолди. Бир зум қалбидаги изтироб туйғуларини фахрланиш хиссиёти эгаллаб олгандек бўлди. Чунки, жигарбанди бекорга жон фидо қилгани йўқ. Бугунги тинч ҳаётимизда ,ўзаро турмушимизда фашист газандаларини ерга қараб қувган, жанг майдонида шаҳид бўлган акаси Ҳасанбой Йўлдошевнинг ҳам ҳиссаси бор.

Ҳ. НОРҚУЛОВ,
У. ҲАМИДОВ.

ОҚИБАТ

Чет эл хабарлари

▲ ПРАГА

Халқ хокимияти йилларида музейларга айлантирилган ЧССРнинг тарихий саройлари шу кунларда ўз эшикларини меҳмондўстлик билан кенг очиб кўйди. Ёз мавсуми бошланганида музей ҳоналарида, шунингдек очиқ майдонларда концертлар қўйилади ва театр томошалари кўрсатилади, халқ ансамблярининг чиқишлари бўлади, виставкалар очилади.

Ҳозирги вақтда Чехословакия саройларида 1,5 миллион дан ортиқ қадимий китоблар, ноз-минглаб бадиий полотнолар, биллур, чинни ва қимматли металлардан тайёрланган 25 миллионга турли буюм сақланмоқда. Ўтмиш ёдгорликларга қизиқиш ғоят катта. Ўтган мавсумда саройларни 7 миллиондан ортиқ киши келиб кўрди.

▲ БЕЛГРАД

Югославияда аҳолини умумий рўйхатга олиш бошланди. Рўйхат маълумотлари аҳоли сонини, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси нисбатини аниқлаш имконини беради. Ўтган йилдаги маълумотга кўра, ЮСФРнинг аҳолиси 22.442 минг кишидан иборат эди.

▲ ГАВАНА

Куба пойтахтида совет медицина товарлари виставкаси очилди. Виставкага уч мингдан ортиқ хилдаги дори-дармонлар, вакциналар, зардоблар, турли медицина аппаратлари ва хирургия асбоб-ускуналари тўплами қўйилган.

Кубага келган совет медик мутахассисларидан катта группаси виставка томошабинлари ҳамда кубалик врачлар ва фармацевтлар билан учрашиб, янги дори-дармонлар тайёрлаш ва уларни қўллаш технологияси тўғрисида гапириб берадилар.

▲ ДЕҲЛИ

Оғир электр ускуналар ишлаб чиқарадиган давлат корпорацияси «Бхарат хэви электриклз лимитед»нинг фаолияти халқаро миқёсда эътироф этилди. Совет Иттифоқининг иштирокида барпо этилган бу корхона, «Нэшнл геральд» газетасининг хабар беришича, Сингапурда ҳар йили Осиё мамлакатларига экспорт қилиш учун юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига бериладиган халқаро мукофотга сазовор бўлди.

▲ ЛУСАКА

Бу ерда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Замбия аҳолиси 5,68 миллион кишига етган. Мамлакат шаҳарларида замбияликлларнинг 43 процента истиқомат қилмоқда. 1969 йилда эса бу кўрсаткич 29 процент эди.

▲ КОБУЛ

Бу ерда Афғонистон Демократик Республикаси маориф министрлигига СССР маориф министрлигидан туҳфа тарифасида ўқув қуроллари ва мактаб асбоб-ускуналарини тантанали топшириш маросими бўлди. АДР маориф министри вазифасини ижро этувчи Ф. М. Ёқуби Афғонистонда маориф системасини ривожлантириш ишида советлар мамлакати бераётган ёрдам учун Совет Иттифоқига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

▲ САН-ФРАНЦИСКО

Лас-Вегас шаҳридаги (Невада штати) энг катта меҳмонхоналардан бири «Сизарс пэлэс»да ёнғин чиқди. Меҳмонхонадаги бир неча юз киши дарҳол қўчирилди, 16 киши жароҳатланди.

(ТАСС, 2 апрель).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Буратино кўргазмаси. 10.35 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.05 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 11.35 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 12.05 — Концерт. 12.50 — «Ҳамдўстлик». 13.20 — Концерт. 13.50— Ҳужжатли фильм. 14.20 — «Спортлото». 14.30 — «Ҳайвонот оламида». 15.30 — «Дунё воқеалари». 15.45 — Болалар учун бадиий фильм. 18.00 — Концерт. 18.30 —Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 19.00 — Мультфильм. 19.10 — «Хаммага салом». Бадиий фильм. 1—2-серияли. 21.30 — «Время». 22.00 — Спорт программаси. 24.00 — Янгиликлар.

УзТВ-I

9.55 —Кўрсатувлар программаси. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Омадли одам». Спектакль. 10.55 — «Қўшиқ айтган етар муродга». 11.55 — «Актёрлар ва роллар». 12.55 — Шахмат мактаби. 13.25 — Бадиий фильм. 1-серия. 14.30 — «Инсон ва қонун». 15.55 — Кўрсатувлар программаси. 16.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. 17.50 — Мультфильм. 18.15 — Телеспектакль. 19.15 — «Экишни тез» ва соз ўтказайлик». 19.30 — Ахборот 19.45 — Ўзбекистон кинематографчилари V съезди олдидан. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — «Ўзбекистон, 1981 йил қўшиқлари». 1-курсатув. 23.15 —Телефильм. 23.30 — Кўрсатувлар программаси.

* * *

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4|IV да Қиёмат қарз, 5|IV да Алмандар (премьера).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/IV да Гулсара.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4|IV да Зада бўлган пайғамбар (19.00). 5|IV да Баланд дорга осилма.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Ургатилган айиқлар» аттракциони иштиронида натта цирк томошалари (4|IV да 16.00, 19.30 да; 5|IV да 13.00, 16.00 ва 19.30 да).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ ишлари — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат — 325757; сосат қурилиши — 325645; фотомухбир—325894.

Р. 06153. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64663. В. 1576.